

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети

Фалсафа кафедраси

“ПСИХОЛОГИЯ” ФАНИ БЎЙИЧА

**“Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари-
темперамент(мижоз)”.**

МАВЗУСИГА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

(бакалавриат босқичи талабалари учун)

**“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси
А. Ҳамдамова ишлаб чиқди.**

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

1. Мавзу.Шахсинг индивидуал психологик хусусиятлари-темперамент.
2. Технологик харита.
3. Мавзу бўйича визуаллашган маъруза, режа топшириқ, ўқув-услубий хужжатлар.
4. Мавзу режаси.
5. Ўқув топшириқ.
6. Интерфаол услублар:
7. Назорат саволлари.
8. Мавзуга оид слайдлар
9. Тестлар
- 10.Адабиётлар рўйхати.

МАВЗУ	Шахснинг индивидуал психологик усусиятлари- темперамент.(мижоз)
--------------	--

1.1.Маъруза машғулотининг таълим технологияси.

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 20 та</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли:</i>	1- кириш – кўргазмали маъруза.
<i>Маъруза режаси:</i>	1. Характер ва унинг хислатлари. 2.Характер тизилиши. 3.Характерни шакллантирувчи омиллар. 4.Характер ва темперамент.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Талабаларга мавзу ҳақида тўлиқ маълумот бериш, психология фанининг асосий тушунчалари ва категориялари ҳақида билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> •психология фанини мақсади, вазифалари ҳақида умумий тушунча бериш, фаннинг ўқув жараёнида тутган ўрни билан таништириш; •ўқув предмети ҳақида умумий тушунча бериш ва асосий адабиётлар билан таништириш; • психология фанининг шахс шаклланишидаги индивидуал хусусиятлари ҳақида маълумот бериш; •асосий психологик характер типларини тушунтириш. • Характер типлари ва уларнинг фарқларини ажратиш тўғрисида маълумот бериш; •темперамент типларининг ўзгарувчанлиги масалаларини тушунтириш.	<i>Ўқув натижалари:</i> • психология фанида темперамент тушунчаси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради; • Мавзунинг структураси тушунтирилади; • Темперамент типлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик ва тафовутни кўрсатиб, изоҳлаб беради; •Темперамент тўғрисидаги дастлабки қарашларни таҳлил қилади. • Темперамент нерв фаолиятининг типологик жиҳатлари ёритиб берилади. • Характер хислатлари ва унинг моҳияти таҳлил қилинади. • шахснинг ижтимоий муносабатларга киришишида темпераментнинг роли бирма-бир таҳлил қилиниб ҳаётий мисоллар асосида изоҳлаб берилади.
<i>Таълим методлари:</i>	Маъруза, намоёниш этиш, савол-жавоб, инсерт техникаси, гуруҳларда ишлаш, ақлий хужум методи.

<i>Таълим воситалари:</i>	Маърузалар матни, маркер, доска, кодоскоп, скотч слайдлар, таркатма материаллар, қоғозлар.
<i>Таълим шакли:</i>	Фронтал, жамоавий.
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари:</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш.</i>	Тест, назорат саволлари.

1.1. Маърузанинг технологик харитаси (1 – машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
I. Кириш (15 минут)	1.1. Мавзу ҳақида дастлабки маълумотлар берилади. Мавзу номи билан таништилади. Ўтилаётган мавзу кириш маъруза тарзида ташкил этилиши эълон қилади. 1.2. Семестр давомида психология курси бўйича ўтиладиган мавзулар, уларга ажратилган соатлар ва талабаларни шу предметни ўзлаштиришдаги рейтинг тизими (жорий, оралиқ, якуний назорат баллари) билан таништирилади. . 1.3. Бугунги мавзу номи, режаси билан таништирилади ва унга изох берилади.	Эшитадилар. Ёзиб оладилар. Эшитадилар, ёзиб оладилар. Эшитадилар.
II. Асосий босқич (55 минут)	2.1. Мавзу ҳақида умумий ахборот берилади. Биринчи режани «инсерт» техникаси орқали таҳлил қилиш топширилади ва маъруза матни тарқатилади, «инсерт» техникасидан фойдаланиш тушунтирилади. (1- илова) Талабалар бажарган ишлари таҳлил қилинади. 2.2. Характер ва унинг хислатлари. Характер тизилиши ҳақидаги маълумотлар билан талабаларни таништирилади. (3-слайд). 2.3. Асосий темперамент типлари ҳақидаги маълумотларни педагог маркер орқали слайдга ёзиб, кодоскоп орқали кўрсатади. Талабалар билан ҳамкорликда темперамент хусусиятларга изох берилади. (4- слайд).	Эшитадилар, таҳлил қиладилар. Матнни кўриб чиқадилар ва берилган белгиларни қўйиб чиқадилар. Ёзиб оладилар. Эшитадилар, ёзиб оладилар.
III. Яқунловчи босқич (10 минут)	3.1. Мавзунинг тўртта режаси асосида хулоса қилиб, энг муҳим маълумотларга талабалар диққатини жалб қилади. 3.2. Муҳокамада фаол қатнашган талабаларни рағбатлантирилади. 3.3. Саволлар бериш орқали билимлар мустаҳкамланади. (2- илова).	Тинглашади, саволлар беришади. Савол – жавобда қатнашади.



	3.4.Мустақил ишлашлари учун вазифа берилади: мавзунинг қолган иккита режасини мустақил ўрганиш.	Ёзиб оладилар.
--	---	----------------

Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари – темперамент”


Темперамент мавзусига
ОИД.

- Эрамиздан аввал қадимги грек олими Гиппократ 460-377 йилларда фаолият юритиб барча темперамент турларини 4 типга ажратган. Бундай ажратишга сабаб инсон танасида 4 хил суюқлик мавжуд бўлиб, уларнинг бажарадиган вазифаси, хусусияти ва қайси суюқликнинг нисбатан устунлигига қараб 4 типга ажратган.





Темперамент типлари қандай
ажратилади?




Холерик



- “Холе” сарик ўт устун бўлади. Уни жигар ишлаб чиқаради. Хусусияти қуруқлик, вазифаси организмни қуруқ сақлаб туради.




Сангвиник



- “Sangvis” қон устун туради. Уни юрак ишлаб чиқаради. Хусусияти -иссиқлик, вазифаси- танани иссиқ сақлаш.



Флегматик



“Flegme” балғам устунлик қилади. Уни
мия ишлаб чиқаради. Хусусияти-
совуқлик, вазифаси- танани совутиб
туради.





Меланхолик




меланхолики

- “Melaun” қора ўт устунлик қилади. Қора талоқ билан боғлиқ жараён. Хусусияти-намлик, вазифаси-танада намликни сақлаб туради.





Грек табиби Гиппократнинг 4 типга берган характеристикаси.



Холерик

- Бу реактив тип бўлиб, у ҳиссиёт тезлиги ва кучли қўзғалувчанлиги билан фарқланади.
- Эмоционаллиги ёрқин ифодага эга бўлиб, имо-ишора, жестлар ёки мимика хатти-ҳаракати ва нутқида яққол ифода этади. Унинг ташқи қиёфасига қараб руҳий фаолиятини аниқлаш мумкин. Унга ҳар қандай хафагарчилик ёки хурсандчилик тез таъсир қилади.

ТЕМПЕРАМЕНТ

psychostalking@yandex.ru

Слабый тип
нервной
системы

Сильный тип
нервной системы

Слабый
Неуравновешенный
Подвижный или
инертный

Сильный
Уравновешенный
Инертный

Сильный
Уравновешенный
Подвижный



Сильный
Неуравновешенный
Подвижный



КТО
ТЫ БУДЕШЬ
ТАКОЙ?

Сангвиник

- Бу типда ҳиссиёт тез ва кучли. У ҳаракатчан ва тиниб-тинчимас бўлиб, янги шароитга тез мослаша олади. Бегоналар билан шундай киришиб кетадики, ўзини эркин ва табиий тутади.
- Ўзи ҳақидаги бошқаларнинг фикри мутлақо қизиқтирмайди. Нутқи жуда равон муомилада имо-ишорани кўп ишлатади.
- Кўпчилик ва давраларда юришни яхши кўради. Хаёлот дунёси юксак даражада ривожланган.

Флегматик



Меланхолик



Холерик




Сангвиник


Флегматик

- Бу тип ҳиссиёти жуда секин қўзғалиши характерли бўлиб, вазмин, кам гап, мўмин бўлади. Уларни хафа қилиш ёки хурсанд қилиш осон эмас. Кайфияти барқарор, ҳаракатлари вазмин ва салмоқли, кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга нисбатан хотиржам ва сабр-тоқатли.
- Энг катта камчили-сусткашлиги. Фаолиятга бирдан киришмайди. Етти марта ўлчаб бир неча марта кесишга ҳаракат қилади. Бошлаган иши зерикарли бўлса ҳам охиригача ҳаракат қилади.

Темперамент 9Д





Темперамент 9Б



Меланхолик

- Буларда ҳиссиёт тез, кучсиз, қўзғалувчан. Бу тип вакиллари уятчан, тортинчоқ, ёлғизликка мойил, тез тушкунликка тушади. Қийин ва хавфли вазиятларни энгишда шижоатсиз, сусткашлиги туфайли ўз ҳуқуқи ва фикрини ҳимоя қила олмайди.
- Кучли таъсирланиш ҳиссиёти бор. Аразчан, доимо ҳамма нарсага таъсирчан, йиғлаганда унсиз йиғлайди.
- Маълум кимсага ўрганиб қолса, кўнгил узиши қийин, тез толиқади, бегона кишилар олдида довдираб уялиб қолади.



Характернинг тизимлари

Мехнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар – меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.

Инсонларга муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар – одобилик, меҳрибонлик, такт, жонсараклик, дилгирлик, мулоқатга киришувчанлик, алтруизм, гамхўрлик, раҳм – шафқат ва бошқалар.

Ўз – ўзининг муносабатига алоқадор тавсифий сифатлар – камтарлик, камсукумлиқ, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз – ўзини танқид, ибo, шарму-ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар – тартиблилик, оқиллик, саранжом – саришталик, қўли очиклик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Характернинг белгилари

Характер инсоннинг хатти – ҳаракатлари ва амалларида намоён булади – одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг **ким** эканидан дарак беради.

Нутқнинг хусусиятлари – баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез гапириши ёки босиклиги, эмоционал бой ёки жонсиз.

Ташки киёфа – юзининг очик ёки тунд эканлиги, кузларининг самимий ёки жохил эканлиги, кадам босишлари – тез ёки босик, майда кадам ёки салобатли, туриши – вкорли ёки камтарона.

Характерни ўрганиш йўналишлари

Физиономика – одам юз кирралари ва уларнинг бир – бирига нисбати оркали одам феъл – атворини урганиш.

Хиромантия – кул бармоклари ва кафтдаги чизиклар оркали, куз ранги ва карашлар, соч ва унинг хусусиятлари оркали характерни урганиш.

Конституцион назария – шахс характерини унинг ташки куруниши, тана тузилиши билан боғлаш.

